

Тежамкорлик— диққат марказида

2-қўйиш цехи кейинги пайтда назоратчиларнинг асосий объектга айланган қолди. Айниқса тежамкорлик сектори мудири Инна Александрова келиб-кетса ишда ўзгариш, жонлангиш пайдо бўлади. Орадан ҳеч вақт ўтмасдан яна эски ҳолга тушади: қисилган ҳаво исроф бўлган, кераксиз пайтда чироқлар ёнган... Инна Леонидовна бир-неча марта ишчилар билан суҳбатлашди, цех бошлиғи В. Жилтовни оғоҳландирди. Цехда иккибўй сиклизи сезилмаган чора кўриш учун маъмурий ҳужумга ҳавола этилди...

— Биз текширув ва рейдларнинг самардорлиги учун курашяпмиз, — деди Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонт заводи халқ контроли комитетининг раиси Б. Вечкунов. — Шу йилнинг ўзига 1, 2, 3-цехлардаги қонқарсиз аҳолини аниқлаш учун бир неча марта бўлишга тўғри келди. Маълум ўзгаришлар сезилаяпти.

Корхонада ўтган 10 ой давомида 70 дан ортиқ рейдлар ўтказилди. Завод территорияси ва цехларда ёнгили, электр энергиясини тежаш бўйича олиб бориладиган текширувлар уларнинг асосини ташкил этди. Материаллар, моддий ресурслар ва маблағларни тежашга ҳисса қўшган назоратчилар яқинда «Узэнергосбита» томонидан 1000 сўм пул мукофоти билан тақдирландилар. Шу кунларда комитет теварегига бирлашган 108 нафардан ортиқ киши халқ мулкни кўз қорачида кўради, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратларини аямаллашди.

Июнь ойида «Таклиф ва шикоятлар» секторига корхонада жойлашган 56-мағазинда харидор ҳақиқа хўнаёт қилинаётгани ҳақда шикоят тушди. Текширилганда ҳақиқатан ҳам мағазин мудири 107 килограмм қандни чакана нархда сотганини маълум бўлди.

— Юлчи ҳар килограмм қанднинг устига 6 тийиндан қўйиб пуллаётганда қўлга тушди, — дейди Б. Вечкунов. — Комитет тевасияси билан бу масала кенгайтирилган касба союзи йиғилишида муҳокама қилиниб, чора кўрилди.

Текширувлар ошқоралигига эришиш учун унинг ақуларини қабул қилинадиган қарорлар «Халқ Контроли» тахассисда ёритиб борилаётган. Лекин комитетнинг тахассисчилиги, оперативлиги ҳар доим ҳам қўнғилдагидек эмас. Цех ва бригадаларда тузилган 7 та постнинг бирортаси фаолият юритмаётган.

— Борис Васильевич корхонада кўп йил ишлаб, катта тажриба тўплаган, — дейди завод партия комитети секретари Х. Араббегов. — Лекин у ҳали ўз ишини қайта кўриб олиши керак. Комитет ҳар бир раҳбарнинг дадил танқид қилинишига эришганига йўқ.

Яна бир масала. Партия комитети ва халқ контроли комитетлари қоидада маъмуриятни назорат қилиш комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Комиссиялар бир функцияни бажаргани учун кўп масалаларда сансалорлик бўляпти. Партия комитети уларни бирлаштириб, йириклаштиришга мўлжалланган тадбирлар ишлаб чиқаяпти.

с. шодиев.

Жойлардан хабарлар

Хатга эътибор— элга эътибор

Куйбишев район озиқ-овқат савдоси бўлимида граждандарнинг арзига ва шикоятлари билан ишлаш ахши йўлга қўйилмаган. Махтублар кўпчилик ҳисобга олинмайди. Уларнинг моҳияти текширилмайдиган, тилга олинган қамчиликлар, савдодаги юлчиликларга барҳам бериш чора-тадбирлари кўрилмайдиган. Текширувлар юзаси олиб борилади. Айбдорларга қатъий талаб қўйилмайди. Шунинг учун бўлса керак районда савдо қондиларини бузиш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Назоратчилар томонидан районга қарашли 17 та савдо мағазини кўздан кечирилганда бу жойларда қатор нуқсонларга дуч келинди.

16-мағазинга Х. Камолхўжаев мудирилик қилади. Бу ерда харидорлар ҳақиқа хўнаёт қилиш ҳолатлари тез-тез содир бўлиб туради. Текширув кунда сотувчилар М. Вилнонова, И. Зариповлар харидорлардан ортиқча ҳақ олиб қолишди. Бунинг устига мағазинда мавжуд бўлган 81 килограмм 95-кўк чойи сотувга қўйилмаган, 10 килограмм қолбасининг ҳужжати бутунлай йўқ. А. Қосимов мудирилик қилаётган 26-мағазинда ҳам аҳоли юқоридагидан ахши эмас. Сотувчи Д. Раҳмонова ўзгалар ҳисобига 58 тийинга қадар шунини ҳолос.

33-мағазини сотувчиси И. Ироқмоновнинг «хитроиси» ҳаммадан ўтиб тушди. У куппа-қундуз кунини уялмай-нетмай сутта сув аралаштириб сотаётганда қўлга тушди.

Районга қарашли кўпгина мағазинларда харидорларнинг арзига ва шикоятларига етарли эътибор берилмайди. Айниқса район меҳнатқашларидан гўшт маҳсулотлари ва қанд тақсимоти нотўғри олиб борилаётгани ҳақида кўплай шикоятлар келмоқда. Масалан, 23-мағазинда июль ойида район санитария-эпидемиология станцияси ва халқчилик коллективларига нормадан 20 килограмм ортиқча гўшт тарқатилган. Шунингдек, 6-мағазинда сентябрь ойида «Кибере-тикл» институт хизматчилари учун нормадан ортиқча 1962 килограмм гўшт тарқатилган бўлса, август ойида эса 790 килограмм ортиқча миқдорда қанд беришди. Худди шу мағазин хизмат кўрсатадиган «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бirlашмасига қарашли завод коллективи эса июль ойи учун на гўшт ва на шаккар олган.

Район халқ контроли комитети назоратчилари ўзининг навабатдаги мажлисида ушбу масалани кўриб чиқди. Айбдорлар қилимишига яраша жазо олишди.

М. КОМИЛОВ.



Тошкент подшпиклар ремонт заводида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Корхона коллективи томонидан тайёрланаётган бу турли-туман рўзгор буюмларига бўлган талаб йил-сайин ортиб бормоқда. Бунинг сабаби ушбу маҳсулотларнинг сифати тобора яхшиланган бўраётганилигидир. Бу ишда завод халқ назоратчиларининг ҳам ҳиссаслари катта албатта.

СУРАТДА: назоратчилар И. Байкова ва И. Илеменовлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини кўздан кечириб чиқмоқда.

М. Нурдидинов фотоси.



Шаҳар халқ контроли комитетиди

Ремонт қилинди, аммо...

Шаҳар халқ контроли комитети ўзининг навабатдаги мажлисида Октябрь районидаги уй-жойлар фонднинг жорий ва капитал ремонтини плани бажарилиши ва унинг сифати ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Район уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бirlашмаси (директори Ю. Раҳимов) ҳисобига 693 та уй мавжуд. Ўтган йили турар жой фонди жорий ремонтини плани бўйича 742 минг сўм сарф этилиши керак эди. Бироқ бу борадаги план 99 процентга бажарилиди ёки бу иш учун 732,6 минг сўм сарфланди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида ремонт ишлари плани 103 процентга адо этилди. Бажариладиган иш ҳажми актрларда қайд этилган, албатта. Лекин баъзи бир актрлар пала-партишлик билан тўлдирилгани, унда қисло ва иш бажарувчиларнинг исм-фамилиялари кўрсатилмайдиган.

Ўтган йили капитал ремонтини учун 1554,2 минг сўм сарфланиши кўзда тутилган эди. Афсуски ҳаммаси бўлиб 1243,4 сўм сарфланди ҳолос. Бу капитал ремонтини плани 80 процентга бажарилиди, демакдир. Шу йилнинг 9 ойи давомида капитал ремонтини учун 632 минг сўм ҳаражат қилиш кўзда тутилган. Бу

роқ бу план ҳам уудаланмади. Натижада ўн бир объектида иш бажарилмади қолди. Районда турар жой фонди капитал ремонт ишларини «Ташремстрой»нинг 10-ремонт қурилиш бошқармаси бажаради. Бу бошқарма томонидан адо этилган иш ҳажми текшириб кўрилганда, бу ерда ремонт ишларини бажаришда олириб ёзиллар содир бўлаётганини маълум бўлди. Масалан, «Марказ-13» кварталда жойлашган 39-қаватда бажариладиган иш ҳажмига нисбатан 1616 сўм ортиқча пул сарфланган. Қурувчиларга 394 сўм ортиқча пул тўланган. Родилыня кўчасида 11-уйи ремонтини учун эса 1613 сўм ортиқча сарф-харажат этилган. Иш бажарувчиларга 114 сўм миқдорда кўп пул тўланган. Тўрт объект бўйича эса сарф этилган ортиқча пул миқдори 4584 минг сўмни ташкил этади. Қурувчиларга 826 сўм қўшимча пул тўланган.

Текширувда уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бirlашмасида асарият ремонт ишлари сифатсиз бажарилиганини маълум бўлди. Ремонтчилардан улар қонқарсиз ҳолатда қабул қилинади. Бу ҳол эса меҳнатқашларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Масалан, У. Юсупов қўчасида 2, 4, 68-уйларда қатор нуқсонлар бўлгани ҳолда «Гласредизир-

лим бошлиғи М. Музаппарова ўз вазифасини ахши билмайди. «Сифат кунини» ўтказилмайди. Бўлим назоратчилари билан давлат стандартини ўргата бўйича маълумотлар олиб борилмади. Бран маҳсулотлар ҳисобга олинмайди. Сифатсиз буюмларни ишлаб чиқариладиган кишиларга қарши қонират чора-тадбирлар белгиланмади.

Тайёр маҳсулотларини текширув вақтида ўрамадан ҳар ўн қўйлақдан 5 тасиди нуқсон борлиги аниқланди. Истеъмолчиларга қўйиш учун тайёрлаб қўйилган бошқа маҳсулотлардан ҳам шунга ўхшаш нуқсонлар топилди.

Тинкув цехи бошлиғи А. Пулатов ишчиларини инструментлар ва қарални ҳужжатлар билан таъминламаган. Цех эсини хонага жойлаштирилган. Махсус тахталари йўқлиги сабабли бичилган қийим-кечаклар сочилиб ётибди. Бичилган маҳсулотлар тинкув цехига ҳеч қандай ҳужжат-

ларсиз ўтказилаверади. Натижада тинкувда чалқашиларга йўл қўйилади.

Комбинатда ишининг бундай ташкил этилиши сабабли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати техника-норматив ҳужжатларига талабига жавоб бермаётган. Юқоридаги нуқсонлар мана шу уастага маъсул этиб тайинланган комбинат бош инженери А. Тонихуаевнинг ўз ишига совоқчилик оқибатида содир бўлган. Шунингдек норхона халқ контроли группасининг раиси Т. Халиловни ҳам бу ҳисобга айблашга ҳақимиз. Чунки бу ерда текширувлар ўз вақтида олиб борилмади. Масалан, биринчи йил ийлаида уч текширув саббсиз ўтказилмаган. Группа ишда ошқоралик кўринмайди.

район халқ контроли комитети норхона раҳбарларини диққатини қайда этилган нуқсонларни зудлик билан бартараф этишга қаратади.

М. ОРИПОВ.

Ия, наҳотки?!

Қантарилган вагонлар

Фрунзе район халқ контроли комитетининг навабатдаги рейди базин санот корхоналари ва ташкилотларда вагонларнинг нормадан ортиқча туриб қолиши масаласига қаратилди. Аниқланишича, 9 ой давомида район корхоналарида вагонларнинг бекор туриб қолиши нормадан 2,4 соат ўрнича 10,8 соатни ташкил этган. Бу ишга айниқса тўқимачилик машинасозлиги ишлаб бirlашмаси (бош директор ўринбосари Ю. Ш. Хейлик), 1-темир-бетон буюмлари заводи (директор ўринбосари В. И. Прасолов), «Таштелефоцентр» (директор ўринбосари П. И. Анисимов) каби корхоналар катта ҳисса қўйишган.

Масалан, тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бirlашмасида вагонларнинг бекор туриб қолиши нормадан 3 соат ўрнича 14,3 соатни ташкил этади. Бунинг учун корхона давлатга 2218 сўм жарима пули тўлаган. 1-темир-бетон буюмлари заводи 2895 вагонни қабул қилган. Улар 358 соат ортиқча туриб қолган. Шу ҳисобдан завод 1002 сўм жарима тўлаган. «Таштелефоцентр» раҳбарлари эса жарима учун 1911 сўм 60 тийинни нақд саваб беришди. Бу кишининг фойдаси-ю кишининг эъғибига. Балки ушбу корхоналарнинг бош-лиқлари «Уз кассамиздан бермаганимиздан сўнг бизга нима», деган ҳаёлга боришар, лекин гапининг йўнчасини айтганда пешона тер билан ўша пуллари топан ишчилар ҳақини беҳуда совуришга уларнинг ҳақлари йўқ.

Яқинда район халқ контроли комитети ушбу масала юзасидан мажлис ўтказди. Унга кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари, тегишли ташкилот вакиллари, темир йўл хизмати бошлиқлари тақлиф этилди. Мажлис айбдорларини қиймиларига яраша жазолан ҳақида қарор чиқарди.

М. КОМИЛОВ.

Химоят Саматова шахримиздаги химия-фармацевтика заводининг филиалида ўзоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келади. У жамоат ишларида, жумладан корхона халқ контроли бош группасининг активисти сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. У халқ назоратчилар томонидан ўтказилган рейд ва текширувларда актив қатнашади.

СУРАТДА: Х. Саматова.

Т. Каримов фотоси.

Группа ва постларда

Камчиликларга мурасасиз бўлиш, ишимизга, ҳаётимизга зид бўлган иллатларни фой этиш халқ назоратчиларининг асосий бурчидир. Хўш, бу борада Тошкент тўқимачилик комбинати халқ контроли группаси қандай ишларни амалга оширмоқда?

Маълумки, ушбу корхонанинг ўз-ўзини маблаб билан таъминлаш паротида иш-лаётганга салкам бир йил бўлди. Шундан бери, ўрта Осиёда гитант ҳисобланган бу корхона бир мунча самарали ютуқларга эришган бўлсада, ҳали улар кишини қаноатлантирмайди. Фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳаммаси равшанлашади. Беш йилликнинг икки йилу 9 ойи кўрсаткичи низоҳатда наст. Тайёр газлама ишлаб чиқариш плани атиги 92 процентини ташкил этди. Бу эса 52,9 миллион метр газлама етказиб бериладиган деган гап. Ип ишлаб чиқаришда 6,4 миллион дон шартли гапга ил етказиб берилади. Шунингдек, 53,1 миллион сўмлик халқ истеъмолчи товарлари, 18,3 миллион сўм товар маҳсулот, худлас харидорларга 39,8 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилади.

Назорат сўст бўлгач...

Шартнома бўйича тайёр маҳсулот етказиб бериш бора-сида план-топшириқларнинг бажарилмаганлиги туфайли жарималар миқдори 5 миллион сўмга етди.

Ишлаб чиқарилаётган хом сурп ва тайёр газламаларнинг биринчи сортларга топшириш плани тўғриси ойдирки муттасил бажарилмапти. Бу эса жарималар миқдорининг ўтган йилда қараганда 45 процентга ўсшига олиб келди. Бу ҳусусда халқ назоратчилари бир неча текширувлар қилишди. Лекин улар натижасиз қўлиб кетди.

Ишлаб чиқарилаётган тайёр газламаларнинг кўпчилиги харидор талабига жавоб беролмапти. Улардаги рангсиз, кишини гафини келтирувчи тушунарсиз шаклларни кўрган харидор мағазиндан бундай маҳсулотни олишдан бош тортаяпти. Харидор ҳақ Чунки унга сифатсиз ишланган маҳсулот эмас, балки, чиройли гуллар акс этган газламалар керак. Афсуски бундан икки йил аввал пардозлаш фабрикаси расомларига тавсия этилган тўрт хил ранглар группаси ишлаб чиқаришга қўйилган эди, лекин уларни ҳозирга қадар ҳеч қандай халқ назоратчиларининг уришлари ҳам самарасиз қўлиб кетди.

Прогуль ва ишга кечкини ҳоллари одат тусига кириб қолди. Ишга кечкини бора-сида корхонанинг пардозлаш фабрикаси (директор С. А. Валев) «Хурмат шохсупаси»нинг юқорисидан жой олиб келмоқда. Сентябрь — октябрь ойларида, ўтказилган текширувларда фабрика ишчиларидан 105 киши ишга кечкиналиги аниқланди.

1-тўқув фабрикаси (директор А. Пирматов) коллективи ҳам пардозловчилардан ортда қилиниш ўзларига эп қўйишмапти. Биргина сентябрь ойида бу фабрикадан 116 киши ишга кечкиди. 3-йигирув ишлаб чиқаришдан (директори В. И. Гусиньян) 96 киши, йилнинг ўтган тўғрисида ойна давомида бўлса бу рақам 633 кишини ташкил этди.

Афсуски, корхонада ип олиб бораётган халқ назорат группаларининг ишда ҳам камчиликлар кўп.

Б. ОРИПОВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС мухбирлари ёзадилар

Дунёда СПИД қурбонлари кўпаймоқда

ЖЕНЕВА. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, шу йилнинг 142 декабрига қадар дунёдаги 142 мамлакатда СПИДга чалинган қарийб 130 минг бемор рўйхатга олинди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эълон қилган маълумотлар СПИД энг аввало Америка қитъасида жуда тез тарқалаётганлигини далолат бермоқда. Бу қитъада ҳозир 91 минг бемор рўйхатга олинган. АҚШнинг ўзидagina 78 мингдан ортиқ киши ана шу касалликка чалинган. Америка қитъасида СПИДга дучор бўлган беморлар дунёдаги умумий кўрсаткичининг 71 процентини ташкил этмоқда.

СТОКГОЛЬМ. Ҳозирги вақтда ҳар бирда юздан ортиқ киши СПИД касалига дучор бўлган жаҳондаги 36 мамлакат рўйхатга олинган. Мазкур маълумотларни бу ерда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Швеция вакили профессор Ларс-Улоф Каллинг хабар қилди. Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Марказий Африкада бир мунча ноҳуш вазият ажууда келган.

СПИД вирусини юктирувчилар жуда тез кўпаяётганлиги қайд этилган Осиёдаги аҳоли ҳам олимларни таъминлаштирмоқда. Бу касалликнинг инкубация даври ўзоқ бўлишини ҳисобга олиб, Осиёда 1990

йилларда ўз вақтида Нью-Йоркда содир бўлган «ХХ аср вабоси» каби кескин вазият ажууда келиши мумкинлиги таҳмин қилинмоқда, деб ҳисоблайди швейцария профессор. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозир дунёда жами 5—10 миллион киши СПИД вирусини тарқатмоқда.

ГААГА. 1988 йил сентябрь ойи охиридаги Нидерландияда СПИД вирусига юққан 605 киши рўйхатга олинди. Беморлар ўтган йилнинг декабри ойига нисбатан қарийб 50 процент кўпайган. Бу маълумотлар СПИД тарқалишига қарши кураш миллий комитетининг тадқиқотида келтирилган. Гаага муниципалитетиди мазкур масала юзасидан махсус мунозаралар бошлангани олдин тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқотда таъкидланганики, бугунги кунда мамлакатда қарийб 30 минг киши СПИД вирусини тарқатмоқда, ана шу касаллик тарқатувчилар муттасил кўпайиб бораётганлиги кузатиламоқда. Олимларнинг маълумотларига кўра, «ХХ аср вабоси» қурбонлари ҳар 14 ойда икки баравар кўпаймоқда. Вирус тарқатувчи кишиларнинг кўпчилиги Амстердамда истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти гомосексуаллар, бағиллар, тартибсиз жинсий алоқа қиладиган кишилардир.

ВСИП Марказий Комитети

Сиёсий бюросининг мажлиси

БУДАПЕШТ. Бу ерда ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ватан халқ фронтини янгиллашга доир вазифалар муҳокама қилинди. Шу муносабат билан яқин вақт ичида ВХРда мазкур масала юзасидан мунозаралар бошлаб юборилди.

Мажлисида таъкидландики, сиёсий ташкилот бўлган ВСИП Ватан халқ фронтини бунёдкори ва бу ҳаражат қатнашчиси. Сиёсий бюро Ватан халқ фронтининг граждандар ва коллективлар

уларнинг дунёқарашлари ва сиёсий ўғтиқовларидан қатъий назар ўз фикрларини ва тақлифларини изҳор этиш имкониятини таъминлашга интилишини қўллаб-қувватлайди.

ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси партиянинг иш билан таъминлаш сиёсати соҳасидаги вазифаларни тўғрисидаги тақлифни ҳам муҳокама қилди.

ВСИП Марказий Комитетининг навабатдаги пленуми 1988 йил 15 декабрда ўтказишга қарор қилинди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

КОБУЛ. Илгари хабар берилгандек, 19 ноябрдан 20 ноябрга ўтар кечаси Покистоннинг ҳаво ҳўкумидан мудоффа вазирлари Кобулдан Жалолобада учиб бораётган ва техникавий носозлик туфайли йўдан қайтарилган АН-26 афгон транспорт самолётини уриб туширган эди. Бактар агентлигининг хабар беришича, 27 кишининг ҳалокатига сабаб бўлган ана шу ҳодиса тафсилотларини унинг айтиш гувоҳлари — Покистоннинг Харлаҳай районига истикомат қилувчи кишилар айтиб беришди. Уларнинг ҳикоя қилишича, ўша кечаси пастлаб учатган самолёт проекторини

ни дам ўқириб, дам ёқиб, ҳариланганда, 19 ноябрдан 20 ноябрга ўтар кечаси Покистоннинг ҳаво ҳўкумидан мудоффа вазирлари Кобулдан Жалолобада учиб бораётган ва техникавий носозлик туфайли йўдан қайтарилган АН-26 афгон транспорт самолётини уриб туширган эди. Бактар агентлигининг хабар беришича, 27 кишининг ҳалокатига сабаб бўлган ана шу ҳодиса тафсилотларини унинг айтиш гувоҳлари — Покистоннинг Харлаҳай районига истикомат қилувчи кишилар айтиб беришди. Уларнинг ҳикоя қилишича, ўша кечаси пастлаб учатган самолёт проекторини



СУРАТЛАРДА: Нью-Йорк тиланчилар армиясидан бири; ветеранга садақа қилинг...



ХЕЧ ВАҚО ҚОЛГАНИ ЙУҚ

Американинг Арисона штатидида Насинг деб аталувчи (бу суз ўзбек тилига таржима қилинганда «хеч вақо» деган маънони билдиради) аҳоли пунктидан чиндан ҳам номиниш қолгани йўқ. Ёнғин бензини колониясининг, кичкинагина мағазини ва доим шу ерда яшовчи тўрт оила бошпанасининг кулини кўкка совурди. Бир вақтлар Финикс штатининг пойтахтидан 160 километр шимолдаги ғарбда жойлашган Насинг аҳоли пункти автомобиль магистрал бўйлаб Лас-Вегасдан (Невада штати) келаётган кўп сонли савҳатчилар йирикчи дам оладиган шинаман манзилгоҳлардан бири эди.

ОИЛАВИЙ ЖАНЖАЛЛАР АНАТОМИЯСИ Оилавий жанжалларнинг

биринчи бўлиб қим бошлайди? Англияда напир этиладиган журналлардан бири ана шу саволга жавоб топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Олинган маълумотларга қараганда, зиддиятларни олдига биринчи бўлиб аёллар бошлашар экан — барча жанжалларнинг 60 процентдан зиёдаги уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Оилавий қўнғилсизликларга олиб келувчи сабаблар орасида эркак кишининг дўстлари, қариндош-уруғлари, маошининг қамлиги, умуман пул муаммолари билан боғлиқ қатор вазиятлар олдинги ўрнини эгаллаш экан. Ана шу сабаблар рўйхатида эркакларнинг кафе ёки пивоҳонада дўстлари билан ушланган қилиш ҳам «етакчи» ўринлардан бири эгаллайди.

«Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади».

Абу Наср **ФОРОБИЙ**.

Абу Наср Форобий илмий ва маданий меросининг хазинаси. Унинг «сержило» рисолалари билан бойитган буюк аллома-лар. У илк ўрта асрнинг қомусий даҳо-ларидан. Асарлари Мағриб, Маширида фанининг ривожига бегиб аҳамиятга мо-лик, улар фан йўналишларини кўп йил-ларга белгилаб берди... Форобий — буюк математик, файласуф, музикашунос, ма-нит илмининг чуқур билимдон, табии-замонасининг таниқли шоири... У фанда «ал-муаллим ас-соний» — «иккинчи муал-лим» (Аристотель—Арастудан кейин), «Шарқ Арасту» номини олди... Табиий-фанлар ва фалсафа соҳасида юздан ор-тиқ асар яратди...

Арис сузининг Сирдарёга қўйилиш ат-рофидаги ерлар Форобий қишлоғи деб атал-ган. Бу ерда 873 йили Абу Наср Форобий туғилди. Унинг тўлиқ исми Абу Наср Му-хаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ибн Ҳазоил ал Форобий.

Форобийнинг илм-фани яқиндори эрта намоён бўлди. Буни сезган отаси Форобий-нинг ўсирилди йилларидаёқ ўша давр Шарқнинг илмий маркази бўлиш Бағдо-да кўчиб келади. Форобий Бағдо-да, аввало араб тили ва адабиётини, унинг нозик жиҳатларини мукаммал ўрганди, шу тилда шеърлар, рубоилар ижод қил-ди. Маълумотларга кўра, араб тилини Форобийдан аввал бунчалик яхши билид-ган киши бўлмаган. Форобий замонасининг йирик олимларидан ривож, маданият, ҳи-маят илминини ўрганади. Тинимсиз ўрганиш, тадқиқот, олимлар билан баҳслар, муно-сабатларда иштирокчи Форобийнинг ўзи ҳам етук олим бўлиб етишади. Унинг атрофи доимо шоғирдлар билан тўла бўл-ган. Ёзишларча, «Фақат Шомнинг ўзида ундан илм ўргатувчи шоғирдлар сони ўн мингга етган». Бир нақлга кўра, у 72 тил-ни билган...

Форобий илм ўрганишда ниҳоятда са-ботли, меҳнатсевар бўлган. Афлотуннинг «Жон ҳақидаги китоби» четиға Форобий: «Мен бу китобни юз марта ўқидим» деб ёзиб қўйган. «Бу китобни 40 марта ўқид-им, лекин яна ўқишим керак» деб ёзил-ган бир китоб четиға...

Ал Форобийнинг «Илмларнинг келиб-қиқиши ва тасифи» асарининг учинчи бў-лими ривоятга бағишланган бўлиб, у етти-та катта қисмдан иборат. Олим, хусусан сонлар назарияси, геометрия, оптика, астрономия, музика, статика, механика ил-малар ҳақида баҳс юритишни, уларнинг предметлари нимадан иборатлигини таъ-рифлайди. Олимнинг бу асари қўлёзма-лари Париж, Истамбул, Мадрид кутубхона-ларида сақланади. Асар тилига XII асрдаёқ таржима қилинган. Кейинги лотин

таржимаси 1588 йилда Парижда чоп этил-ди, эски яҳудий тилига XIV асрда таржи-ма қилинган. Кейинчалик, немис, инглиз, испан, француз, турк, рус, қозоқ тиллари-га аударилди.

Форобийнинг «Ал-Мажистий»га қўши-малар китоби»нинг тригонометрик боблари ривоятчилар учун эътиборлидир. Китоб 59 бобдан иборат бўлиб, унинг 14 боби тригонометрияга, 45 боби астрономияга бағишланган. Ал-Форобий тағисе ва ко-тангенсларнинг синус ва косинуслар орка-ли нбодасини беради, биринчилардан бўлиб уларни айланада аниқлайди.

Мўъжизакор фан сирлари

«Иккинчи муаллим»

Олим «Нафис усуллар» деган рисола ҳам ёзган. Унинг айтишича, «Нафис усул-лар» математиканинг алоҳида бўлимидан иборат бўлиб, у ривожнинг амалиётга, санъатга ва бошқа фанларга тадбиқлари билан шуғулланади.

Олимнинг «Юлдузлар ҳукмида нималар тўғри ва нималар нотўғрилиги ҳақида» рисола-си алоҳида аҳамият касб этади. Ал Форобий эҳтимоллар назариясининг дастлабки тушуначаларини киритган ва уларни ўргатган. Унинг тасодифийлик ҳа-қидаги таълимоти табииат қонуниятларини ўрганишга қаратилган. Алломанинг фик-рича, қўлаб шундай ҳодисалар борки, уларни илмий анализ ёрдамида олдиндан кўра билиш мумкин. Абу Наср оммавий тасодифий ҳодисаларни — «кўп ҳолларда мумкин бўладиган ҳодисаларни» ўрганиш масаласини қўяди. Тасодифий ҳодисаларни ўрганишда олим турли тажрибаларга, ма-тематик ҳисоб-китобларга мурожаат қил-ди.

Афсуски, бизнинг эҳтимоллар назария-сига оид бирорта дарслик, қўлланмалари-мизда ал Форобийнинг тасодифийлик ҳа-қидаги таълимоти тўғрисида бир оғиз ҳам айтилмаган. Эҳтимоллар назарияси фани-га биз Яқоб Бериулли асос солган дейми-з. Ҳақиқатан ҳам, у «Тахмин қилиш санъати» (1713 йил) китобида эҳтимол тушунчасини киритган, эҳтимолнинг классик таърифини берган, табииатшунослигининг фундаментал қонуналиридан бири — катта сонлар қону-нини хусусий ҳолда бўлса-да ётқизган. Аммо, Бериуллидан 760 йилдан аввалроқ бу фанининг дастлабки тушуначаларини ки-ритган ва ўргатган ал Форобийдир.

Ал Форобий фан тарихида биринчилар-дан бўлиб илмий астрономиянинг ҳақиқий предметини аниқлаб берди. Олим яшаган даврда астрономия ва астрология умумий ном билан юлдузлар ҳақидаги фан деб юритиларди. У буларнинг ҳар бирини мо-ҳитини очиб берди, астрономия билан астрологияни араваштирмаслигини айтди. «Илмий астрономия, арифметика ва гео-метрия каби, аниқ қонуниятларни ўргани-ши керак. Бундай қонуниятларга осмон жисмларини, уларнинг ўлчамларини, улар орасидаги масофаларини билиш. Қўёнинг Ер юзидан предметларга нисбатан таъси-рини тадқиқ қилиш керак» — дейди ал Форобий. Илмий астрономия—математик астрономия фанига, математикага тегишли

эквалингини таъкидлайди. Форобий юлду-ларнинг жойлашшини қараб қилишлар таъ-дирини, Ердаги ҳодисаларни «айтиб берув-чи» мунажжимларнинг хато қарашларини танқид қилади. Астрология «Қушлар сай-рашига ёки киши қафтидаги чизиларга қараб фол очиниша баробардир». «Астро-логларнинг хунари ҳеч қандай илмий асосга эга эмас», — дейди у. Шу билан бирга, Форобий само ва Ердаги ҳодиса-лар орасида объектив боғлиқлик борлиги-ни, осмон жисмларининг Ер жисмларига таъсирини, табиий фанлар маълумотлари-га қараб, кўрсатиб беради. Ой, Қўёш ту-тилишларини тўғри тушутиради. Олим қадимги ва ўз даврининг астрономик би-лимларини мукаммал билган, у астрономик ҳодисаларни, математик методларни кенг жалб қилиб ўрганишни таъкид қилган. Оламни илмий асосда билишга катта аф-заллик бериб, билимларимизнинг шартли ва нисбий эканлигини айтган.

Форобий буюк музикашунос ҳам бўлган, қўлаб куйлар, чолғу асбоблари яратган. Маълумотларга кўра, музикани «белги-лар» орқали дастлабки ифодада Форобий мансубдир. У қўп жиддл «Музика ҳақида катта китоб» ёзди, бу асар француз тилига таржима қилинган. Олим мусиқавий оҳангларини ўрганишга математик метод-ларини тадбиқ қилди, куйлар гармонияси-нинг математик принципини очди, Шарқ музикасининг ритмик асосини изоҳлаб берди, ритм ўлчовлари ва турларини баён

қилди. Музикани инсон ахлоқини тарбия-ловчи восита деб билди.

Форобий грек фалсафасини мукаммал эгаллади, уни Шарқда ёйишда олимнинг хизматлари бегибсидир. Олим Аристотель асарларининг асли билан яхши таниш бўл-ган, уларга шарҳлар ёзган, Шарқда ари-стотелизм оқимини яратган. Абу Али ибн Синонинг ёзишича, у Аристотелнинг «Ме-тафизика» асарини 40 марта ўқиса ҳам тушунмаган, бу асарга Форобий ёзган шарҳларни ўқигандан сўнггина Аристотель баҳс юритаётган масалалар моҳиятига ту-шуна олган: «Мен «Метафизика» китоби-ни ўқидим, лекин унда ёзилганларни ҳеч тушуна олмадим; бу китобни ёзган киши-нинг мақсади мендан аширини эди. Ҳатто уни 40 бор қайта ўқидим, менга у ҳатто ёд бўлиб ҳам қолди. Лекин шундай бўлишга қарамай, мен уни ва унинг мақсадларини тушуна олмадим. Ундан умидимни узиб, бу тушуниб бўлмайдиган китоб экан, де-ган фикрга келган эдим. Кунлардан бир кун аср вақтида китобфурушлар олдиға бориб қолдим. Унда бир даллол қўлга муқоваланган бир китобни тутиб, уни мақ-тарди... Даллол менга: «Бу китобни ол-гин, бунинг нархи арзон — уч дирҳамга сотаман, эгаси бунинг пулига муҳтож», — деди. Мен уни сотиб олдим. Қарасам, бу Аристотелнинг «Метафизика» китоби мақ-садлари ҳақида Абу Наср Форобийнинг ёзган асари экан. Уйимга қайтиб, дарров уни ўқинишга тушдим. «Метафизика» кито-би ёд бўлиб қолган сабабли ўша пайтда-ёқ бу китобнинг мақсадларини менга очил-ди...».

Бу воқеада «...эгаси бунинг пулига муҳ-тож» дейилиши бежиз эмас. Шундай буюк аллома фахриона ҳаёт кечирган, ниҳоятда қамтарин бўлган. Тарихчиларнинг ёзиши-ча, «Форобий Дамашқнинг бир боғида қо-ровуллик қиларди. У жуда ҳам камбағал эди, ҳатто у қоровулчилик учун берилган қандилчиқроқни ўзининг мутолосига ва асар ёзишга асради...». Форобийдан «Сиз улуг олимни ёки Аристотель улуг олимни» деб сўрашганда у, «Агар мен Аристотель замонида яшаганимда эди, мен унинг энг улуг шоғирди бўлардим, холос», деб жавоб берган...

Форобий қаламига мансуб дурдона асар-лардан бири — «Фозила (идеал) шаҳар одамларининг қарашлари ҳақидаги китоб». Бу китобида олим давлатнинг келиб қи-иш, унда пайдо бўлган тенгсизлик, фозила шаҳар (давлат) аҳлининг ахлоқ-одоби ҳа-қида ўз фикр-мулоҳазаларини айтди. «...Фақатгина бир-бирига ёрдам берадиган одамлар бирлашмасидигана, ҳар бир киши яшаши учун зарур бўлган нарсалар яра-тишга ўзининг маълум бир ҳиссасини қў-иши билан йисон... камолотга эришниш мумкин бўлади», — дейди Форобий.

Мирфозил МИРЗААХМЕДОВ, физика-математика фанлари кандидати.



Чорсу майдонининг кўрми. Салобатли бу бинода шахри-миз меҳмонлари қордиқ олади.

СУРАТДА: «Москва» меҳмонхонасининг умумий кўрини-ши.

Р. Шарипов фотоси.

Ўзимиз тўқидик— ўзимиз тикамиз

Тошкент тўқимачилик ком-бинати тамғаси босилган то-варлар маскур комбинат рес-публика пойтахтида очган фирма магазинида сотилмоқ-да.

Комбинатда тикув цехи ташкил этилган бўлиб, у ерда ўзлари ишлаб чиқарган газ-молдан эксперимент тарзида замонавий кийим-кечакларни тайёрламоқдалар. Бу махсу-

лотга бўлган талаб барқарор бўлиб турибди: шу йил боши-дан буён тўқимачилик комби-натининг фирма магазинида жами ярим миллион сўмлик-дан зиёд юқори сифатли кийим-кечак сотилди. Тикув цехи келажакда қувватларини оширади, махсулот турларини кўпайтиради ва янгилайди.

[ЎЗАТ].

Илм масканларида

Маданият қошонаси

Меҳнат Қизил Байроқ ор-денли В. И. Ленин номидиги Тошкент Давлат университетини маданият саройи кўп йиллар-дан буён «актив фаолият кўр-сатиб келаяпти. У дорипуғун талабаларининг севимли мас-кани ҳисобланади. Бирор кун йўқин, бу муҳташам бую студентлар билан гавжум бўл-маса.

Ҳозирги вақтда маданият саройида «Янхона» вокал-чолғу ансамбли, «Адолат» ўз-бек халқ чолғу асбоблари ансамбли, «Маятник» театр студияси, бошлар музикали студияси, «Аккур» ва «Эбе-кистон қизлари» рақс ансамб-ли, халқ хори ҳамда чет-эллик студентларнинг «Эн-тербент», «Экспромт», «Су-рия» ансамбллари мавжуд.

— Ёшлар ижодкорлигини ошириш тўғрисида кўп гаплар айтилган, — дейди маданият оммавий ишлар бўлими му-дир Т. Степанова, — Ёшда ҳам бу борада анча ишлар қилинган. Студентларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўт-казиш, уларни фойдали иш-ларга жалб этиш, турли хил ҳунарларни ўргатишда тўғ-руларимиз катта роль ўйна-моқда. Тикниш-бичиш, тўқиш тўғрисида, ҳаваскорлар ишига тўғраги шахват клуби мунтазам ишлаб турибди. Яна кичи йилли араб тилини ўр-ғатувчи пулли курслар ҳам мавжуд.

Яқинда халқ хори коллек-тив Инововода ўтаётган Бутуниттifoқ хор коллек-тивлари конкурсига жўнаб кетди. «Куз гўзали» — ёшлар байрамини ўтказиш учун қиз-гини тайёрларини кўриди. Пахта терими масмуида ҳа-шарчиларга маданий хизмат кўрсатиш учун махсус тузил-ган агитборига кўнгилдагидек иш олиб борди.

Маданият саройининг келгу-сидиги тадбирлар ҳам сту-дент-ёшларнинг мароқли дам олишига мослаб тузилган.

Ф. ҚУРБОНОВ, ТошДУ студенти.

Спектакль

Ўш саҳнасида

Драматург Ҳайдар Му-хаммад қаламига мансуб «Тошкентнинг қозани» ма-ликиаси драматизатор С. М. Ки-ров номида Ўш област му-зикали драма театрида на-мойиш қилинди. Спектаклин Салоҳиддин Умаров саҳна-лаштирди. Ўш роляларини Қирғизистон ССР халқ ар-тистлари Нейматжон Ней-матов билан Ойтожи Шоб-доновлар ижро этишмоқда. Бунгача макур театрда «Қўнгил» — чинпи пиёли» асари ҳам саҳналаштирил-ган эди.

Н. ҒУЛОМОВА.



Қишнинг иккинчи кўни. Аммо ўлкамизда ҳамон куз фасли ҳукмронлик қилмоқда.

В. Тўраев фототўдлари.

«Известия ЦК КПСС» журналига обуна

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Ко-митетининг ахборотлари янги ойлик ахборот журна-ли «Известия ЦК КПСС»га обуна қабул қилиш бошладди. КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг қарорига мувофиқ бу журнал 1989 йил январидан чиқа бошлайди.

Партиянинг янги журна-ли В. И. Ленин ҳаётиги чо-ғида нашр этилган «Извес-тия ЦК РКП (б)» журна-лининг анъаналарига, XIX Бу-туниттifoқ партия конфе-ренциясининг КПСС сиеса-тида рўй-ростиш ва ошқо-раликни кучайтириш, партия-нинг олий органлари ва унинг бошқа бўғинлари иши тўғрисида коммунистларни, мамлакатнинг барча меҳнат-кашларини кенг хабардор қи-либ бориш ҳақидаги талаб-ларига амал қилади.

Журнал саҳифаларида партия олий органларининг қарорлари, Марказий Коми-тет Пленумларининг мате-риаллари, шунингдек кенг муҳокамага қўйиладиган пар-тия ва ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларига доир қарорларнинг лойиҳалари расмий равишда эълон қи-линади. Йиллик обуна нархи-ни ўзгартирмаган ҳолда ҳар йили журналнинг учтагача махсус қўшимча сонини чи-қариш, шунингдек зарурат-га қараб обуна йўли билан ва чакана савдо орқали гар-қатилдиган партия ҳужжат-лари тўпламлари ва кутуб-

хоначаларни журналга пул-ли илова қилиб чиқариш кўзда тутилмоқда. Журнал Марказий Коми-тет, унинг Сийсий бюроси, Марказий Комитет комис-сиялари бўлимлари кунда-лик фаолияти, тўғрисида коммунистларни, кенг жамо-атчиликни мунтазам хабар-дор қилиб боради. КПСС Марказий Комитетига бўлиб ўтган энг муҳим мажлислар, кенашлар ва учрашувлар стенограммаларини босиб чи-қаради.

«Известия ЦК КПСС» журна-ли партияда, ҳам мар-казда, ҳам жойларда қайта қўриш қандай бораётгани-ни, партия аппаратининг янги структураси, КПСС Марказий Комитети, респу-блика ва маҳаллий партия ко-митетлар раҳбарлари тўғри-сидиги материалларни эълон қилади. Партия ҳодимларини сайлаш ва тайинлаш тўғри-сида мунтазам хабар қи-лиш, уларнинг таржимаи ҳо-лини эълон қилиш режалаш-тирилмоқда. Партия ташки-лотларидан хабарлар журнал материаллари орасида му-ҳим ўрин тутаяди.

Журналда КПСС Марка-зий Комитети Сийсий бюро-сининг 30-40 йиллар ва 50-йилларнинг бошланиги даврда юз берган репрессиялар бил-ан боғлиқ материалларни қўшимча равишда ўргатувчи комиссиясининг ҳужжатла-ри, шунингдек КПСС Мар-казий Ревизия комиссияси ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети кўриб чиқаётган масалалар ҳақидаги хабар-лар ёритилади.

Партия бюджетининг аҳ-воли, унинг даромадлари ва харажатлари моддалари тўғ-рисидаги, партиянинг марк-зий муассасалари фаолияти, партия матбуотининг ривож-ланиши, партия кадрларини тайёрлаш ва уларнинг мала-касини ошириш ишлари тўғ-рисидаги ахборотларни босиб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Журнал КПСС Марказий Комитетига келаятган хат-ларни кенг ёритади. Жамият ҳаётининг энг актуал маса-лалари юзасидан Марказий Комитетга граждандарнинг айрим хатлари, шунингдек меҳнаткашларнинг макту-блари ва озаки мурожаатла-ри обдорларини эълон қи-лиш режалаштирилган. Жур-нал КПСС Марказий Коми-тет секретарлари ва Мар-казий Комитет бўлимлари раҳбарларининг мактубларида

ўртага қўйилган муаммолар юзасидан энг муҳим топши-риқлари, шунингдек ана шу муаммолар муносабати бил-ан қабул қилинган қарор-лар ҳақида хабар қилиб бо-ради.

«Известия ЦК КПСС» журна-лида партия архив-дан олинган, аввало КПСС Марказий Комитети архив-дан олинган материалларга катта ўрин ажратилади. Журналда социалистик қу-рилушнинг энг муҳим тари-хий воқеаларини, партия ва совет жамияти ҳаётидаги бурниш босқичларини, акс-этирувчи ҳужжатлар, тари-хий, аналитик обзорлар, фо-тосуратларни мунтазам эъ-лон қилиш кўзда тутилмоқ-да.

Журналхон илгари эълон қилинмаган қўлгина ҳуж-жатлар — мажлисларнинг стенограммалари, партия ва Совет давлати раҳбар арбоб-ларининг нуқталари, доклад-лари, фармойишлари, стено-граммалари, мактублари, эс-даликлари билан, Я. М. Свердлов, Ф. Э. Дзержин-ский, М. В. Фрунзе, С. М. Киров, Н. И. Бухарин, А. И. Риков, И. В. Сталин, Г. Е. Зиновьев, Л. В. Каменев, М. И. Калинин, А. М. Кол-лонтай, Е. Д. Стасова, В. В. Куйбишев, Г. К. Оржони-

кидзе, В. М. Молотов, А. И. Микоян, К. Е. Ворошилов, Н. С. Хрущев, Л. И. Бреж-нев ва бошқаларнинг архив-ларидан олинган материал-лар билан танишадилар. Журналда Н. К. Крупская, А. В. Луначарский, А. М. Горький, М. А. Шолохов, М. А. Булгаков, И. Г. Эрен-бург, Д. Ведний, Н. И. Ва-илов, Е. В. Тарле, П. Л. Капица, Р. Роллан, Л. Фейхтвангер, совет ва жаҳон маданияти бошқа арбоблари-нинг партия Марказий Ко-митетига юборган, ҳали эъ-лон қилинмаган мактублари-ни босиб чиқаради. Партия архивларини ўрганиш чоғи-да топишган бошқа ҳужжат-лар ҳам эълон қилинади.

«Известия ЦК КПСС» журна-ли 20 босма лист ҳаж-мида бўлиб, ҳам мамлакат-мизда, ҳам чет элларда обу-на ва чакана савдо орқали тарқатилади. Журнал ҳар бир сонининг нархи — юп-ка муқовалиси — 1 сўм, қа-лини муқовалиси — 1 сўм 50 тишини. Ёрил йиллик обуна ба-ҳоси: юпка муқовалиси — 12 сўм (обуна индекси 70417), қалини муқовалиси — 18 сўм (обуна индекси 70418). Обу-на ҳар бир алоқа бўлимида ёки жамоатчи матбуот тар-қатувчилар орқали 15 де-кабрча қабул қилинади.



Ёш техникларнинг марказий станциясида ўқувчилар тур-ли моделлар ясашни ўрганишмоқда. СУРАТЛАРДА: (юқорида) тўғра раҳбар Александр Вик-торович Фролов ўқувчиларга ракета моделини тайёрлашни тушутиратди. 233-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Андрей Посканой (пастда) планер моделини ясамоқда. Р. Альбеков фотолари.

Меҳрини бағишлаб

Адабиёт муаллимимиз Хатира опа Олимованинг ўқитувчи бўлганларига йигирма беш йилдан ошибди. Лекин шу давр ичида улар бирон марта шу касбни танлаганларидан афсусланмайдилар. Ансича, йил сайин ўз касблари меҳрларини оғир экин. Бир неҳолан парваршлаб волга етказиб қанчаллик мушкулларини боғбон билди. Худди шундай, бир болани тарбиялаб, жамиятимизнинг муносиб кишиси қилиб тарбиялаш қанчалар меҳнат талаб қилишини муаллим бўлган тушунади. Ҳар бир ўқувчининг дилини топиш, уни келажакка йўллаш осон эмас. Балки шу туфайли бошланғич синф ўқитувчиси бўлишга қарамай Хатира опани биринчи синф ўқувчидан тортиб, то ўзининг синф ўқувчиларига ҳурмат қилади.

Хатира опа 1958 йилда мактабни битириб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга киради. 1963 йилда университетини битириб, Сирдарё областига ишга йўллама оладилар. 46-мактабда биринчи иш кунлари бошланди. Адабиётдан берган биринчи дарслари 5-а синфда бўлди.

1968 йили Хатира опа Олимова Тошкентдаги Ойбек номидаги 115-ўрта мактабга ишга келадилар. Мана, 20 йилдирки шу мактабда адабиётдан дарс берадилар. Айни пайтда, бошланғич синфларда ўқитувчиллик қиладилар. Бу вақт ичида Хатира опа оддий, камтарин инсон сифатида танилдилар. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эътиборига мушарраф бўлдилар.

Гулира МУСАЖОНОВА, Тошкентдаги 115-мактаб ўқувчиси.



Инсон саломатлиги — бебаҳо бойлик. Шунинг учун ҳам медицина хизмати ва унинг сифати учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилмоқда, шифокорларимиз эса сидқидилдан меҳнат қилиб, беморларни даволамоқдалар, уларга бардамлик ва заҳил меҳнат учун куч-қувват бағишламоқдалар. Тошкент Давлат медицина институтининг клиникаларида ана шундай қўли енгил шифокорлар элга ҳалол хизмат қилишяпти.

СУРАТДА: Тошкент Давлат медицина институтининг 1-клиникасининг (биринчи қатор, чапдан) урология бўлими мудири М. А. Баширов, врач-ординаторлардан А. М. Эшонов, (иккинчи қаторда) Н. Б. Алиқонов, Ж. Н. Имомқуловлар бемор аҳолини ва уни даволашни маслаҳатлашмоқда.

Р. Шарипов фотоси.

Декабрь

Хикоя

— Қандай ажойиб декабрь! — дея хитоб қилди кўлмадан сакраб ўтаётган киши кувонч ичига сиймай. Лойгарчиликда ҳам жозибаси бор!.. Дарахтарининг яланғоч новдалари қандай гўзал! Суя париларининг ўзгираси. Хас-чўплар-чи! Улар шунчалик қойилмақомки!..

Гап шунданки, ана шу киши кунин кеча бошлиқ қилиб кўтарилган ва бугун амалдорлигининг биринчи кунига шошилаётган эди.

Уни айниқса қувонтираётган нарсаси шу эдики, бундан бунён у директор кабинетига кирар экан, ботинкасининг учига термиллиб оғдатгайди: «Бугун кўринишингиз жуда яхши, ўртоқ Попов» демайдди.

Ана шу ясама жумла неча йиллардан бери уни сўзининг маъносидида камситар, тўғри маъносидида эса кўпларга кўтарарди. Ниҳоят, ўртоқ Попов пенсияга кетар экан ўз ўрнига айнан уни тавсия эди. Нима бўлганидан қатъий назар, энди «Бугун кўринишингиз жуда яхши» деган жумла барҳам топиши аниқ.

Янги бошлиқ шахдам қадам ташлаб кабинетга кирди, ўзи қачонлардан бери қўмсас юрган креслога ўтирди. Сўнг ўрнидан туриб гилам узра оҳиста одим ташлай бошлади. Боливиликлар делегацияси совға қилиб қолдирган чумолхўр тулупининг бошини силади, плазмаасадан эслаган «Спутник» приёмининг кўйиб кўрди, чала ейилган қовун тиликни акс эттирилган наторпортини сўқлаиб томоша қилди.

Ҳамма нарсаси аслидай эди, аммо янги бошлиқнинг таъби хиралашгандай бўлди.

— Ҳм, — дея кўнгирок тутмасини босди. Шу заҳоти секретарь қиз кирди. Бошлиқ шубҳали назар ташлаб қизни кўздан кечирди. Гумонсирашга ўрин йўқ эди, негаки у Попов хузурига қандай кириб келган бўлса ҳозир ҳам шундай кириб келган. Унинг бутун қиёфаси қўлдан келадиган ҳамма ишга мутлақо шайлигидан далолат берадди. Янги бошлиқ мин билирди. Кофе талаб қилди.

Беш минутдан кейин унинг ёзув столда чашкадаги кофе буг чикариб турарди. У «шо-

хона» кофедан бир кўплам кичиб, кайра, тахир таъмининг ҳис эди.

Кейин чашкани четга суриб қўйиб, мансабига яраша жимжанимадор имзо чекишни машқ қила бошлади. Имзоси жиддий, салобатли ва виқорли тусга киргунча анчагина арақини қоралади.

Аммо негадир шахсий имзоси ҳам унинг кўнглини ғаш қилди... Унинг столига илтифот ила қўйилган биринчи ҳужжат тўлиқ бир бетини эгаллаганди. Янги бошлиқ текстини қисқартиришни буюрди. Топширини бажо этилиб, имзо чекиш учун жой очилди. У қўл қўйиб чўқур нафас олди. Ўрнидан туриб дераза ёнига келди: кўчадаги лойқа кўлмалар бўзарган, яланғоч новдалар ғамгин эди...

«Менга нима бўляпти ўзи! — ўйлади у. — Наҳотки раҳбарлик қилиш шунчалик қийин бўлса!».

Тушликдан сўнг мажлис пайтида у қўл остидаги лойқанинг неҳраларини диққат билан кўздан кечирди. Лекин улар ўзгаришмаганди: неҳраларда бошлиққа нисбатан саманний изат-ҳурмат чикаб турарди. Бундан унинг юраги баттар ғаш бўлди...

Унинг дили ҳуфтон бўлиб, иш кунининг тугашини кута бошлади. Шунда кўтилмаганда уни министрликка чакриб қолдиши. У ерда қабулхонада кутиб туршига тўғри келди. Кабинет эшигини очилган, ҳадиксираб ичкарига кирди ва ботинкасининг учига тикилганча таъзим бажо қилди.

— Бугун кўринишингиз жуда яхши, ўртоқ Иманов, — деди. Худди шу онда лойқа кўлмалар мафтуноқор, хас-чўплар эса яна фусункор тусга кирди. Ҳамма нарсаси аслига қайтди. Ҳаёт давом этаётганди.

Русчадан
Муҳаммадвали МУРОДОВ
таржимаси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ
ҚОШИДАГИ ЁШЛАРНИНГ МЕХНАТ БИРЛАШМАСИ
МАРКАЗИ

ОРЛОВ ТЕМІР ПРОКАТИ ЗАВОДИГА
ИШГА ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

Бу ерда ишлаш истагини билдирганлар 18 ёшдан ошган бўлишлари керак. Корхонада ишлаш жараёнида ишловчилар ўртача 300-350 сўмдан маош олишади. 3 йилга меҳнат шартномаси тугалганда устама ҳақ билан беш юз сўмгача ҳақ олишлари мумкин. Шартнома муддати узайтирилса ҳақ тўлаш яна ошади. Бу ерга бориб ишлаш истагини билдирганларга самолётнинг билет нархи ва кунлик ҳақ тўланади.

Корхонага борадиган кейин ҳар томонлама жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 9-уй. Телефонлар: 32-27-07, 56-04-15.

Тошкент области комсомол комитети қошдаги ёшларнинг меҳнат бирлашмаси маркази.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ДУДБУРОНЛИ ГАЗ АСБОБЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНУВЧИ

абонентлар диққатига

Совуқ кунлар бошланиши билан дудбуронли газ билан иситиш асбопларида фойдаланиш зарурати туғилди. Газ асбоплардан бехатар фойдаланиш мақсадларида дудбуронларнинг техник ҳолати ва печаларнинг соғлигини олдиндан текшириб кўриш лозим.

ЭСДА ТУТИНГ! Газ иситиш асбоплари дудбуронларнинг техника ҳолати ҳақидаги ахборотсиз улардан фойдаланиш қатъий тақиқланади.

Иситиш асбопларида фойдаланишдан олдин дудбуронларнинг ҳаво тортиш, тортиқларини текшириб кўришни эсдан чиқарманг.

Дудбуронлар ҳаво тортмаган тақдирда газ ёниши оқибатида акриблб чиқадиған ис газини ҳоналарда тўпланиб қолади.

Бу бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Вагинаҳоналарга ўриштирилган газ суви иситкичларидан фойдаланганда ошмиқ тағдида қолдирилган туйнуқни ва вентиляция каналларини беркитманг.

Иситиш печаларининг ҳалдан қиёб кетилиши йўл қўйманг. Печлар узлуксиз икки соатдан ортиқ ишлатилмаслигини лозим.

Газ асбопларида бехатар фойдаланиш қондаларига риоя қилинг — бу билан сиз ўзингиз ва атрофингиздаги кишиларни бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя этасиз.

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНГАНДА ХУШЕР ВА
ЭЪТИЁТКОР БЎЛИНГ!

ПОРТЛАШ, ЕНГІН ЧІҚІШ, ІС ТЕГІШ ВА
ЗАҲАРЛИҚШДАН САҚЛАНІШ УЧУН
ҚУЙДАГИЛАР ҚАТЪІЯН МАН ЭТИЛАДИ:

— ҳоналарни иситиш учун газ плиталаридан фойдаланиш;

— қийим-кечакларни плита тепасига осиб қўйиш;

— ёқилган газ горелаларини қаровсиз қолдириш;

— газ силқиб чиқаётган ва чиқмаётганини ўт ёқиб текшириш;

— газ асбопларини ўзбошимчалик билан ремонт қилиш ва уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтказиш;

— газ плиталари ўриштирилган ҳонада ухлаш.

Эсда тутинг! Газ асбопларида фойдаланиш қондаларига қатъий риоя қилинг — хавфсизлигингиз гаровидир!

ГРАЖДАНЛАР!

Газни тежанг, зарурат бўлмаганда газ асбопларини беркорга ёқиб қўйманг, газ плиталаридан уйни иситишда фойдаланманг — бу кам самара бериши билан бирга ҳаётингиз учун хавфлидир. Уйдан чиқётганингизда уйдаги иссиқликни сақлаш учун эшик ва деразаларни, эчлаб ёниг, иситиш системаларининг оқиқ хаводан ўтган ва ертўлага жойлашган қисмларини яхшилаб изоляция қилинг.

Эсда тутинг! Газдан тежаб-теғаб фойдаланиш — шахриймизни газ билан етарли таъминлашнинг гаровидир.

«ТАШГАЗ» ВОШҚАРМАСИ.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АНГИЛИКЛАР ПАНОРАМАСИ»
ЭЛЕКТРОН-ЕРИТКИ АХБОРОТЧИСИ
(Югурувчи сатрлар)

М. ГОРЬКИЙ МАЙДОНИДА ЖОЙЛАШГАН.

«Янгиликлар панорамаси» ташкилотлар, корхоналар, кооперативлардан эълонлар қабул қилади.

Текстли ахборотлар ижро этилиш мuddати буюртма расмийлаштирилгандан кейин эртасигаёқ эълон қилинади. Вир минутлик ахборотнинг баҳоси — 4 сўм.

Справкалар учун телефонлар: 67-97-88 (соат 19.00 дан кейин, 76-86-60, соат 9 дан 18.00 гача).

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати идораси.

«Узэлектромонтаж» ижтисослашган трестининг

ТОШКЕНТДАГИ І-МОНТАЖ ВОШҚАРМАСИ

электромонтажчилар курсига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ва Тошкентда пропсакада турувчи касбқори бўлмаган кишилар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Каблуква кўчаси, 43-уй. Телефон: 33-78-89.

Махсус курилиш-монтаж министратлигининг ўқув комбинати: Тошкент шаҳри, Черкасская кўчаси, 26-уй. Телефон: 67-19-33. Тошкентдаги І-монтаж бошқармаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЮК ТАШИШ АВТОМОБИЛЬ
ТРАНСПОРТИ ИШЛАВ ЧІҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

3-автокөмбинат директори

вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Олий автотранспорт маълумотига эга бўлган ва тегишли касб бўйича раҳбарлик лавозимларида камид 5 йил ишлаган кишилар конкурсда иштирок этишга тақлиф этиладилар.

Конкурс мuddати — 13 декабрғача.

Хужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700031, Тошкент шаҳри, Педагогическая кўчаси, 14-уй, кадрлар бўлими.

Справкалар учун телефон: 56-32-04.

«УЗГИПРОПЛОДОВОШЧ» ИНСТИТУТИ

— план-иқтисод бўлими бошлиғи, ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи, лойиҳа ишлари ва лойиҳалария чоп этишни механизациялаш бўлими бошлиғи, экспертиза секторининг бош мутахассислари

вакант вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Конкурсда қатнашиш учун қуйидаги хужжатлар талаб қилинади: ариза, кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржима ҳол, маълумот ҳақидаги диплом нусхаси, сўнги иш жойидан характеристика.

Аризалар 1988 йилнинг 15 декабрғача қуйидаги адресга берилди: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8-уй, 8-қават, 3-хона.

Справкалар учун телефон: 45-23-62.

ШАҲАРНИНГ ҚУНИДАГИ ДАВОЛАШ
ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИ

ТУНГИ ПАЙТДА, БАЙРАМ ВА ДАМ ОЛИШ
КҮНЛАРИ

КАТТАЛАР ВА БОЛАЛАРГА
ШОШИЛИНЧ СТОМАТОЛОГИЯ ЕРДАМИ
КҮРСАДАТИ:

Ленин райони — 1-стоматология поликлиникаси (Привокзальная кўчаси, 8-уй).

Фрунзе райони — 2-стоматология поликлиникаси (Қаҳр кўчаси, 24-уй).

Акматали Икромов райони — 3-стоматология поликлиникаси (Чилонзор массиви, 25-қават, 20-уй).

Октябрь райони — 4-стоматология поликлиникаси (Абай кўчаси, 5-уй).

Киров райони — 5-стоматология поликлиникаси (Тимирязев кўчаси, 20 «а» уй).

Сергели райони — 6-стоматология поликлиникаси (Спутник массиви, 6-қават, 1-уй).

Собир Раҳимов райони — 7-стоматология поликлиникаси (Қорақамий массиви, 2/4).

Ҳамза райони — 8-стоматология поликлиникаси (Баку кўчаси, 81-уй).

Чилонзор райони — 10-стоматология поликлиникаси (Муқимий кўчаси, 12-уй).

Қуйишев райони — 9-стоматология поликлиникаси (Геология кўчаси, 28-уй).

«Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-техника хизмати кўрсатиш станцияси ва 9-техника хизмат кўрсатиш станциясининг йўқолган

УЧБУРЧАКЛИ ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ «ТАШСТРОЙ-
ТРАНСПОРТ» ИШЛАВ
ЧІҚАРИШ
БИРЛАШМАСИ

Тошкент «Ташстройтранс» транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

вакант вазифасига

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Конкурс шартлари: номзод «автомобиллардан фойдаланиш ва уларнинг ремонт» ижтисоси бўйича олий маълумотга, камид 10 йил иш стажига, раҳбарлик лавозимларида, эса камид 5 йил иш стажига эга бўлмоғи лозим.

Конкурс мuddати — 11 декабрғача.

Хужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, 96-алоқа бўлими, Муқимий кўчаси, 15 «а» уй, 2-хона (конкурс комиссияси).

ТОШКЕНТ ШАҲАР
АҲОЛИНИ ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА
ЎҚИТИШ ВА КАСБГА
ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА
ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ.

Геология ва нефть ҳамда газ қопларини қидириб топиш институтининг

ТАҲРИБА-МЕТОДИКА
ПАРТИЯСИГА:

инженер-топограф, техник-топографлар, техник-геофизик.

Ахборот ва ишга йўлланмалар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

СССР Сув ҳўжадиги министратлиги хузуридаги

«ГЛАВСРЕДЕАЗИРСОВ-ХОЗСТРОЙ»НИНГ

АСОБ-УСКУНАЛАР ВА КОМПЛЕКТАЦИЯЛАШ

БОШҚАРМАСИ

1988 йил 26 ДЕКАБРДАН

БОШЛАБ

ТУГАТИЛАДИ.

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: 700169, Тошкент шаҳри, Охатчи кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 46-28-27, 46-26-92.

ДОСААФ

СПОРТ-ТЕХНИКА

КЛУБИ

радиотелемастерлар

тайёролчи

кечки кўреларга

ҚАБУЛ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиниш мuddати — 8 ой.

Машигулотлар группаларининг комплекташувига қараб декабрь ойида бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Полторацкий кўчаси, 25-уй, соат 18.30 дан 21.00 гача учрашиш мумкин.

Қабул кунлари — душанба, чоршанба, жума.

Тошкент Давлат циркида

1988 йил 24 декабрдан 1989 йил 10 январгача — мактаб ўқувчиларининг қишқик таътид кунларида

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ

ЦИРКДА АРЧА

БАЙРАМИНИ УТКАЗАДИЛАР

Бош роляларда: ҚОРВОБО, ҚОРҚИЗ ВА ВОШҚА

ЭРТАҚ ҚАҲРАМОНЛАРИ.

ТОМОШАЛАР:

24 ДЕКАБРДАН 30 ДЕКАБРГАЧА — соат 10.00, 12.00, 14.30, 17.00, 19.30 да;

31 ДЕКАБРДА — соат 10.00, 12.00, 14.30, 17.00 да;

1989 йил 1 январдан 10 январгача — соат 17.00, 19.30 да бошланади.

Билетлар цирк кассаларида, соат 10.00 дан 20.00 гача сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ТУШИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қишлоқ жойларда иловчи томошабинлардан буюртмалар навбатсиз қабул қилинади.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04, 44-35-84.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ

МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

16, 23 декабрда

Х. Ғулом асари.

М. Леонев музикаси.